

И.ф.д. Дилора АБДУРАХИМОВА

Тошкент молия институти

БАНК ИННОВАЦИОН РАҚАМЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИНИНГ РЕАЛ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Жорий асрда жаҳонда юз берган технологик инқилоб ҳисобига банк маҳсулотлари бозоридаги технологиялар нафақат жаҳон молия бозорини балки мамлакатлар иқтисодиётини ўзгартириб юборди. Мақолада банк маҳсулотлари бозоридаги технологик компаниялари ва банклар томонидан жорий этилган молия технологияларининг молия бозорига ва иқтисодиётга жорий ва истиқболдаги таъсири таҳлили амалга оширилди. Таҳлил асосида бир қатор хулосалар ва натижалар олинди.

Калит сўзлар: жаҳон иқтисодиёти, банк саноати, суғурта саноати, банк инновациялари, банк инновацион маҳсулотлари, молиявий технологиялар, масофавий банк хизматлари.

IMPACT OF BANK INNOVATION DIGITAL PRODUCTS MARKET ON REAL ECONOMY

Abstract. Due to the technological revolution that took place in the world in the current century, technologies in the market of banking products changed not only the world financial market, but also the economy of countries. The article analyzed the current and prospective impact of financial technologies introduced by technological companies and banks on the financial market and the economy as a whole. Based on the analysis, a number of conclusions and results were obtained.

Keywords: world economy, banking industry, insurance industry, banking innovations, innovative banking products, financial technologies, remote banking

КИРИШ

Ўнлаб йиллар давомида молия соҳасини рақамлаштириш туфайли хизмат кўрсатишнинг доимий эволюциясини бошдан кечирмоқда. Ушбу эволюция уланишнинг кенгайиши ва мижоз интерфейсида ҳам, орқа офис жараёнларида ҳам ахборотни қайта ишлаш тезлигининг ошиши билан тавсифланади. Сўнгги пайтларда рақамлаштириш марказида анъанавий вазифаларни ҳал қилишни такомиллаштиришдан молиявий хизматлар кўрсатувчи компаниялар учун мутлақо янги бизнес имкониятлари ва моделларини жорий этишга ўтиш бошланди. Рақамли молия кўплаб янги

молиявий маҳсулотлар, молиявий корхоналар, молиявий дастурий таъминот ва молиявий технологиялар компаниялари ва инновацион молиявий хизмат кўрсатувчи провайдерлар томонидан тақдим этиладиган мижозлар билан алоқа ва ўзаро муносабатларнинг янги шакллари ўз ичига олади.

Рақамли технологиялар дунёнинг ўзаро муносабатлари ва битимларини ўзгартирмоқда. Банк ҳисоб рақамларини очишдан тортиб, ота-оналарини фарзандларининг мактабга қабул қилиниши ва янги ижтимоий ҳимоя дастурлари, корхоналар томонидан лицензия олиш учун ариза беришгача кундалик фаолият янада автоматлаштирилиб ва интеграциялашиб бормоқда. Рақамлаштиришдан (яъни мавжуд бўлган нарсаларни рақамлаштиришдан) рақамлаштиришга (яъни. рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда мавжуд бўлган нарсаларни такомиллаштириш), мамлакатлар соддалаштирилган ўзаро таъсир ва операцияларга, қоғозсиз, нақд пулсиз, маълумотларга асосланган. ва масофадан туриб интернет орқали исталган жойдан кириш мумкин.

Харажатларни камайтириш ва инновацияларни рағбатлантиришдан ташқари, бу кўпроқ одамларга яхши хизматларни кўрсатиш имкониятларини яратади, масалан, қоғоз шаклини тўлдириш ёки тўлов учун нақд пул бериш учун иш вақтида офисларга жисмоний ташриф буюриш заруратини йўқ қилиш. Бунинг учун мамлакатлар институтлар, қоидалар ва жараёнларни ислоҳ қилмоқдалар, шунингдек, томонлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш ва ахборот, тўловлар ва бошқа манбалар алмашиш учун технологиялар ва инфратузилмани яратмоқдалар.

Ушбу нуқтаи назардан молия ва ахборот тизимлари соҳасида ушбу ўзгаришларни ва рақамли тараққиётнинг молия соҳасига таъсирини таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар бошланди. Шу сабабли, ушбу мақолада банкларнинг янги ва инновацион бизнес функциялари бўйича рақамли молия тадқиқотларининг ҳозирги ҳолатини кўриб чиқилади.

АДИБИЁТЛАР ШАРҲИ

П.Гомер, Ж.Кох ва М.Сиерингларнинг фикрича, операцион самарадорлик нуқтаи назаридан молиявий технологиялар инновациялари тижорат банкларига хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришга, мижозларнинг турли эҳтиёжларини қондиришга ва истикболда ўсиш учун имкониятни ва шу билан рентабелликни оширади [5]. Ушбу таърифда молиявий технологияларни жорий этишдан олинadиган самара ҳақида сўз бормоқда, аммо уларни жорий этиш орқали инсон омили ҳисобига пайдо бўладиган рискларни бартараф этиш, операцион харажатларни камайтириш эвазига фойданинг ошишига эришиш каби натижалар ҳисобга олинмаган.

Шунингдек, уларнинг фикрича молиявий инновациялар банклар ва қарз олувчилар ўртасидаги ахборот ассиметриясини камайтиришга ва шу билан банкларни хавфсизроқ ва мослашувчан қилишга имкон берди дея ҳисоблайдилар [5]. Ушбу таърифда муаллиф рақамли банклар ва молия хизматлари учун рақамли инфратузилманинг ҳолати барча аҳоли учун бир хил эмаслигини ҳисобга олмаган.

А.Фастер, М.Плосер ва бошқалар эса «хатарларни назорат қилиш нуқтаи назаридан, молиявий технологиялар маълумотлар аниқлигини ошириш учун меҳнат, капитал ва вақт харажатларини камайтириш учун биометрия ва овозни аниқлаш каби илғор технологиялардан фойдаланиши мумкин, бу эса ўз навбатида ички фирибгарлик хавфини ва тизимли хавфни камайтириши мумкин» дея таъкидлайдилар [4]. Фикримизга, ушбу муаллифларнинг таърифи юқорида келтирилган таърифларга таққослаганда молиявий технологияларни жорий этишдан олинган самарани тўлиқроқ акс эттирган. Аммо, унда молиявий технологияларнинг жорий қилиниши ҳисобига кундан-кунга қамрови кенгайиб бораётган киберхужумлар таъсири ҳисобга олинмаган.

Яна бир қатор тадқиқотчилар блокчейн хусусиятларини ўрганган ҳолда, у молия секторини ривожлантириш учун катализатор вазифасини бажаради дея ҳисоблайдилар [3].

Ўз навбатида, молиявий ва технологик ечимларни банк хизматларига интеграциялашнинг афзалликлари қаторида қуйидагиларни таъкидлаш керак:

- филиаллар ва бизнесграфикага уланмасдан банк хизматларини олиш қулайлиги;
- автоматлаштириш ва инсон омилини камайтириш ҳисобига операциялар тезлиги;
- филиал тармоғини кенгайтириш, офлайндан интернет ва мобил банкингга босқичма-босқич ўтиш заруриятисиз тез масштаблаш истиқболи;
- ўзига хослик, янги ечимлар муҳим рақобатдош устунликларни таъминлайди;
- банклар учун харажатларни камайтириш, иқтисодий самарадорликни ошириш;
- савдо ҳажмини ошириш;
- даромадларнинг ўсиши;
- узоқ муддатли истиқболда кенг қамровли рақобат устунликлари [8].

Молия технологиялар бозор иштирокчилари ва иқтисодиёт учун ҳам бир қатор имкониятлар яратади.

Ж.Л.Бауер ва С.М. Кристенсеннинг «бузувчи инновациялар» ҳақидаги назариялари ҳам айнан молиявий технологияларнинг иқтисодиётга таъсирига

хам тааллуқли бўлиб, уларни яратилиши бир қатор анъанавий молия хизматларининг долзарблигини йўқолишига олиб келиши билан бирга, «бу камроқ ресурсларга эга бўлган кичик компания (одатда бошланғич компания/янги иштирокчи) мавжуд корхоналарга муваффақиятли қарши чиқиши мумкин бўлган жараён» сифатида тавсифланади [1]. Мазкур таърифда бугунги кундаги долзарб масалалардан бири, яъни кичик FinTech компаниянинг нафақат банклар, балки йирик молиявий конгломерантларга рақобатчи сифатида фаолият юритаётганлиги назарда тутилган бўлиб, у Шумпетернинг «яратувчан халокат» назариясини эслатади [6].

Рақамли трансформациянинг илғор таҳлилий талабларига жавоб берадиган самарали технологик ечимлар молиявий ташкилотларга тузилмаган ва катта ҳажмдаги маълумотлар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, рақобатдош устунликлар ва янги бозор имкониятларини очиш имконини беради [10]. Ушбу таърифда молиявий технологияларнинг банк хизматлари бозоридаги ҳолатга таъсирини кўрсатмоқда. Айнан мазкур масала, бугунги кунда банклар учун мижозларга асосланган бизнес моделни танлашга имкон бермоқда. Бу эса ўз навбатида мижозларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиш даражасини ошириб, уларнинг молиявий фаоллигига ижобий таъсир қилмоқда.

Шунингдек, С.Омонов томонидан ҳам нафақат банклар, балки капитал бозорида робо-эдвайзерларнинг ўрни ҳақида сўз юритар экан, Robo-maslahatchilarning институционал инвесторларнинг фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади дея ҳисоблайди [9]. Бунда энг фаол институционал инвесторлардан бири банк эканлигини ҳисобга олсак, айнан банкларнинг робо-эдвайзерлардан кенг фойдалана бошлаши, хусусан, капитал бозорда уларнинг ўрнини ва салмоғини янада ошишига хизмат қилишини тушуниш мумкин.

Молиявий технологиялар инновацияларини ривожланиши билан бир вақтда АҚШда яширин банк айланмаси бозори улушини ошишига олиб келди [2]. Маълумки, яширин иқтисодиёт одатда айнан нофнукционал қонунчилик тизими, ёки тартибларнинг мураккаблашиб боришини ҳисобига пайдо бўлади. Аммо, аслида мазкур таърифга бироз қўшилмаган ҳолда, молиявий технологияларнинг ривожланиши иқтисодиётнинг «яширин» қисмини ошириш ёки кичиклашувига таъсир қилмайди. У шунчаки, «яширин» иқтисодиётда фойдаланиладиган қулай бир инструмент сифатида қўлланилади. Яъни қонунчиликдаги, жамиятдаги мавжуд камчиликларни молиявий технологиялар ёрдамида бартараф эитб бўлмайди.

Бу эса ўз навбатида банк хизматлари бозорининг кенгайиб бориши, молиявий инклюзиянинг ошиб бориши ва иктисодий жараёнларнинг жадаллашуви натижасида иктисодий ривожланишга олиб келади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолада илмий абстракциялаш, тасвирий статистика, эксперт баҳолаш, гуруҳлаштириш, динамик таҳлил ва қиёслаш усулларида фойдаланилган.

Мақолада Boston Consulting Group, Capital IQ, Pitchbook, Жаҳон банки ва бошқа ҳалсара молия ташкилотлари ва консалтинг компаниялари статистик маълумотлари ва тадқиқотлари натижасида асосида таҳлил амалга оширилди.


ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

XXI асрни илм фан ва технологиялар ривожланиш асри дея номлаш мумкин, сабаби айнан ушбу даврнинг бошланиши аграр, ишлаб чиқариш ва хом ашёдан ҳам юқорироқ қўшича қиймат яратувчи соҳалар айнан илм ва технологияларга асосланган соҳалар бўлмоқда. Масалан, Инсидер Монкей компанияси томонидан ўтказиладиган тадқиқотларга асосан 2021 йилда, яъни пандемиянинг асорати ҳали яққол сезилиб турган даврда энг юқори даромад келтирувчи соҳа айнан дастурий таъминот (тизим ва иловалар) эканлиги таъкидланган, яъни капитал рентабеллиги кўрсаткичи 32,07%ни ташкил қилган [14]. Бунинг натижаси ўлароқ сунъий интеллект, BigData, «булутли» технологиялар, блокчейн ва бошқа юқори технологияларнинг ривожланиши кўпгина мамлакатлар томонидан ўз иктисодиётларини рақамлаштириб боришларига олиб келмоқда. Иктисодиётнинг энг тез ривожланувчи молия соҳаси, айниқса банклар мазкур рақамлаштириш жараёнларида фаол ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Дунё бўйлаб молия бозорлари янги технологиялар, истеъмолчиларнинг хатти-харакати ва назоратнинг янгича ёндашуви таъсирида кенг қамровли ўзгаришларга дуч келмоқдалар.

BCG халқаро компанияси томонидан молиявий технологияларга асосан фаолият юритувчи компаниялар раҳбарлари ўртасида ўтказилган сўровга асосан ушбу ҳолатдан чиқишнинг ягона ечими сифатида молиявий технологиялар компаниялари сўнгги йилнинг охириги ярим йиллигида молиялаштириш ҳисобига эмас, балки рентабеллик даражасини ошириш ва даромадли ўсишни бирламчи қилиб олиш дея таъкидлаганлар. Ушбу сўров натижаси молиявий технологиялар бозорида молиялаштириш даражаси 2021 йил кўрсаткичига етишига молиявий технологиялар компаниялар умид қилмаётганларини англатади [11]. Буни биргина 2023 бошига тушум ўсиш ҳолати ва 2024 йил бошига ўсиш прогнозига эътибор қаратиш кифоя. Сабаби

бунда халқаро ташкилотлар томонидан 2024 йил бошига даромадда янада юқори рентабелликка эришилиши режалаштирилмоқда.




1-расм. Молия технологиялардан умумий тушум 2023 йил бошига факти ва 2024 йил бошига прогнози, млрд. АҚШ долларида [11]

1-расмда келтирилган маълумотларга асосан, 2024 йилда глобал молиявий технологиялар бўйича 201,91 млрд. АҚШ доллари тушум олинishi прогноз қилиниб, ушбу кўрсаткич 2023 йил бошига (186,87 млрд АҚШ долл.) нисбатан йиллик 8 фоиздан зиёд ўсишни англатади.

Жаҳон иқтисодиётидаги пайдо бўлган нобарқарорликка қарамай, Молиявий хизматлар соҳасида доимий ривожланиш, хусусан молиявий технологияларга талаб барқарорлиги мустаҳкамлигича қолмоқда. Бунга бир қатор омиллар таъсир кўрсатмоқда.

Яна бир омил шундаки, молиявий хизматлар (шу жумладан суғурта сектори) бўйича мижозларнинг умумий тажрибаси тарихан бошқа соҳаларга нисбатан энг паст кўрсаткичлардан бири бўлган.




2-расм. АҚШнинг энг йирик промоутерлар мижозларининг содиқлик кўрсаткичи [12]

2-расмда келтирилган маълумотларга кўра, дунёдаги энг йирик молиявий технологияларга асосан фаолият юритувчи промутер компанияларининг миқозлари содиқлик даражаси кўрсатилган. Унга кўра SoFi, OneDeck, Affirm, LendingClub ва Funding Circle каби компанияларининг содиқ яъни доимий миқозлари улуши 90 фоиздан 77 фоизгача ташкил қилар экан.

Бугунги кунда аксарият банклар ўз миқозларига молиявий технологиялар орқали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиб муваффақиятга эришган бўлсалар-да, улар ҳали ҳам молиявий технологиялар компанияларидан анча орқада.

Шунингдек, молиявий технологиялар секторида, айниқса ривожланаётган бозорларда ўсиш учун етарли имкониятлар мавжуд. Жаҳон банки томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра дунё катта ёшдаги аҳолисининг 1,5 миллиард кишилик қисми банк хизматларидан фойдалана олмайётган бўлса, қарийб 2,8 миллиард катталар масофавий банкларнинг асоси бўлмиш карталардан фойдалана олмаётганлар (кредит карта йўқлиги билан белгиланади). лойиҳа Жаҳон банкининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича). Бу катта ёшли дунё аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилади. Бундан ташқари, бутун дунё бўйлаб катталарнинг 89 фоизи мобил телефон ёки смартфонлардан фойдалансалар-да, қарийб катта ёшли аҳолининг 44 фоизи ҳали ҳам тўлов операцияларини амалга ошириш учун нақд пулга жуда боғлиқ [13].



3-расм. Глобал банк хизматларидан фойдаланиш даражаси [13]

3-расм маълумотлари шунини кўрсатадики, дунё аҳолисининг бор йўғи 76 фоизи банк хизматларидан фойдаланувчилар, уларнинг 24 фоизи эса фойдаланмайдиганларни ташкил қилади. Банк хизматларидан


фойдаланмайдиган 24 фоиз аҳолининг 13 фоизи аёлларни, 11 фоизи эркекларни ташкил этади.

Ва ниҳоят, шуни таъкидлаш керакки, ўтган йиллар давомида молиявий технологиялар сектори шиддатли ўсиб келаётган бўлса-да, у ҳали ҳам ривожланишнинг жуда эрта босқичида бўлиб, бутун дунё бўйлаб молиявий хизматлардан олинadиган даромаднинг йиллик 2 фоизидан камроғини ёки 12,5 трлн. АҚШ доллардан тахминан 245 миллиард АҚШ долларини ташкил қилар экан. Яъни молиявий технологияларнинг имкониятидан фойдаланиш даражаси кенгайиб бориши ва банк амалиётининг деярли барча жабҳаларида уларнинг қўлланилиши молия соҳасидаги олинadиган даромадда улушини ошириши шубҳасиз.

Амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, АҚШда рақамли банк хизматларидан энг кўп миллениаллар (79.3%) ва энг кам бэби бумерлар (33.8%) фойдаланмоқдалар [7]. Рақамли банк истеъмолчиларнинг 43% пул ўтказмаларини яхшиланганлиги, 33 фоизи харажатларни камайганлиги сабабли улардан фойдаланишларини таъкидлаганлар. Америкаликларнинг тахминан 27 фоизи онлайн-банкдан фойдаланади. Фақат онлайн банклар истеъмолчиларининг 88 фоизи, анъанавий банклар хизматларидан фойдаланadиган истеъмолчиларнинг атиги 66 фоизи улардан мамнунлигини қайд қилишган. Америкаликларнинг бор йўғи 5 фоизи банк хизматларидан умуман фойдаланмас эканлар [15].

Ҳозирги вақтда 12,5 триллион долларлик глобал молиявий хизматлар саноати Шимолий Америка ва Осиё-тинч океани минтақасида жойлашган бўлиб, банк сектори ва суғурта ўртасида нисбатан тенг тақсимланган.


Шунингдек, келажакда ҳам бу кўрсаткичлар ортиб бориши бўйича турли



халқаро ташкилотлар башорат қилмоқда.

4-расм. 2021-2030 йилларда суғурта ва банк соҳаларида даромадларнинг ўсиши прогноз кўрсаткичлари, трлн. АҚШ долл.да [11]

2.10-расмда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, 2030 йилга келиб глобал банк ва суғурта даромадлари 21,9 триллион АҚШ долларга етиши кутилмоқда, бу йиллик умумий ўсиш суръати (CAGR) 6 фоизга тенг. Бунда банклардаги тўловлар, ўтказмалар ва депозит операцияларининг кенг қўлланилиши айнан банк соҳаси даромадларининг кўпайиб боришига замин яратмоқда. Бунда 2021 йилда банк соҳаси даромадлари 6,8 трлн. АҚШ долл.ни ташкил қилган бўлса, 2030 йилда бу кўрсаткич 4,9 трлн. Долл.га ошиб, 11,7 трлн АҚШ долларини ташкил қилиши кутилмоқда.



5-расм. 2021-2030 йилларда банк ва суғурта соҳаларида молиявий технологиялардан глобал даромадлар прогнози, млрд. АҚШ долл.¹

Бунда албатта банк соҳасига вақт ва географик чегараларни инобатга олмайдиган молиявий технологияларнинг кенг жорий этилаётганлиги асосий сабаблардан бири бўлиши кутилмоқда.

5-расмда келтирилган маълумотларга кўра, молиявий технологиялар 2021 йилда банк соҳасига 225,0 млрд. АҚШ долл., суғурта соҳасига 20 млрд. АҚШ долл. даромад келтирган бўлса, 2030 йилга келиб халқаро молия ташкилотлари томонидан молиявий технологиялардан суғурта даромадлари 200 АҚШ долл.ни, банк соҳасида 1300 млрд. АҚШ долл.гача кўпайиши прогноз қилинмоқда. Биз кўраётган қисқа муддатли тузатишга қарамай, молиявий технологиялардан йиллик даромад 2021 йилдан 2030 йилгача олти баробардан кўпроқ ўсиши ва 1,5 триллион АҚШ долларга етиши прогноз қилинмоқда. Бунда 2030 йилга келиб банк даромадларининг молиявий технологияларга тўғри келувчи улуши 4% дан 13% гача ўсиши (ўртача йиллик

¹ График Capital IQ, Pitchbook, BCG компаниялари тадқиқотлари натижалари ёрдамида муаллиф томонидан тузилди.

ўсиш суръати 22%) прогноз қилинмоқда ва улар банк хизматларини глобал баҳолашнинг тўртдан бир қисмини ташкил қилиши кутилмоқда.

ХУЛОСА

Инновацион банк маҳсулотларининг ривожланиш динамикаси ва трендларининг жаҳон ва мамлакат иқтисодиётга, хусусан молиявий бозорига таъсирини ўрганиш қуйидаги хулосаларни олишга имкон бермоқда:

– молиявий технологиялар радикал инновациялар бўлиб, молиявий хизматларни ва умуман молиявий хизматлар бозорини сезиларли даражада ўзгартиради;

- сўнгги йиллардаги глобал иқтисодиётдаги нобарқарор геосиёсий ва иқтисодий вазият таъсири кўрсатса-да, айнан молия технологиялари эвазига молиявий хизматлардан, хусусан, банк ва суғурта соҳалари даромад даражаси юқори динамикаси сақланиб қолади;

– молиявий технологияларнинг ривожланиши уларнинг ҳеч бир тармоқ, чегара ва вақт тўсиқлари учрамаслик хусусиятлари туфайли аҳолининг заиф қатламлари, жумладан, қариялар ва аёллар молиявий инклюзия даражасини оширишга эришилиши мумкин;

– халқаро амалиётда мижозларнинг молиявий технологиялари компанияларига содиқлик даражаси, банк мижозлари содиқлик даражасидан юқори;

- молиявий технологияларнинг ривожланиши айнан технологик компаниялар фаолиятининг ривожланиши эвазига таъминланганлиги сабабли технологик компанияларининг молия бозоридаги ўрни юқорилиги сақланиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Bower J. L., Christensen C. M. Disruptive technologies: catching the wave. – 1995.

2. Buchak G. et al. Fintech, regulatory arbitrage, and the rise of shadow banks //Journal of financial economics. – 2018. – Т. 130. – №. 3. – С. 453-483.

3. Fauzi, Muhammad Ashraf, Norazha Paiman, and Zarina Othman. 2020. Bitcoin and Cryptocurrency: Challenges, Opportunities and Future Works. The Journal of Asian Finance, Economics and Business 7: 695–704.

4. Fuster A. et al. The role of technology in mortgage lending //The Review of Financial Studies. – 2019. – Т. 32. – №. 5. – С. 1854-1899.

5. Gomber P., Koch J. A., Siering M. Digital Finance and FinTech: current research and future research directions //Journal of Business Economics. – 2017. – Т. 87. – С. 537-580.

6. Schumpeter J. A. Capitalism, socialism and democracy. – routledge, 2013. – 438 p.

7. Жураховская И. М., Шолотонова Е. С. Системное развитие карьеры миллениалов //Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Экономика. – 2017. – №. 2. – С. 79-85.

8. Лаврушин О.И., Бердышев А.В., Криворучко С.В. [и др.]. Финансовые рынки в условиях цифровизации – Москва: Общество с ограниченной ответственностью "Издательство "КноРус", 2020. – 372 с. – ISBN 978-5-4365-4643-8. – EDN MAQWJP.

9. Омонов С. Ў. Капитал бозорида институционал инвесторлар фаолиятини тартибга солишнинг хориж тажрибаси //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2021. – №. 8 (144). – С. 33-38.

10. Стриженко А.А., Карпухина О.М. Технологическая революция: основные направления и эффекты //Российский экономический интернет-журнал. – 2018. – № 3. – С. 58.

11. Boston Consulting Group, Inc.- Global Fintech 2023 Reimagining the Future of Finance

12. Forrester: The US Net Promoter Rankings, 2022/Customer Gauge Benchmarks in Financial Services 2022

13. Жаҳон банкининг расмий веб-сайти <https://www.worldbank.org>

14. Insider Monkey компаниясининг расмий веб-сайти insidermonkey.com

15. PYMNTS, FDIC, JD Power, Galileo, Bankrate, <https://www.bankrate.com/banking/digital-banking-trends-and-statistics/#stats>; https://www.galileo-ft.com/wp-content/uploads/2021/10/galileo_research_executive_summary.pdf